



INFLUENCE OF THE AFGHANISTAN FACTOR ON UZBEKISTAN IN RELATIONS OF THE USA AND PAKISTAN

Mutalib Kasimov

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: abdusalom1959@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Afghanistan, factor, research, international relations, politics, military operations, Taliban movement, diplomacy, situation, neighboring countries.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: This article analyzes the opinions of expert researchers regarding the role of the Afghan factor in modern interstate relations, in particular the influence of this factor on relations between the United States and Pakistan and on other countries, especially countries neighboring Afghanistan.

АҚШ ВА ПОКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИДАГИ АФҒОНИСТОН ОМИЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАЪСИРИ

Муталиб Касимов

Тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: abdusalom1959@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Афғонистон, омил, тадқиқот, халқаро муносабатлар сиёсат, ҳарбий ҳаракатлар, “Толибон” ҳаракати, дипломатия, вазият, қўшни мамлакатлар.

Аннотация: Ушбу мақолада Афғонистон омилининг бугунги давлатлараро муносабатларда тутган ўрни, хусусан бу омилнинг АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларга ҳамда бошқа мамлакатлар ва айниқса Афғонистонга қўшни бўлган мамлакатларга ўтказиши мумкин бўлган таъсири борасида мутахассистадқиқотчиларнинг мулоҳазалари таҳлил қилинган.

**ВЛИЯНИЕ АФГАНИСТАНСКОГО ФАКТОРА НА УЗБЕКИСТАН В
ОТНОШЕНИЯХ США И ПАКИСТАНА****Муталиб Касымов***Исследователь**Ташкентский государственный университет востоковедения**Ташкент, Узбекистан**E-mail: abdusalom1959@mail.ru***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Афганистан, фактор, исследование, международные отношения, политика, военные действия, движение «Талибан», дипломатия, ситуация, соседние страны.	Аннотация: В данной статье анализируются мнения экспертов-исследователей относительно роли афганского фактора в современных межгосударственных отношениях, в частности влияние этого фактора на отношения между США и Пакистаном и на другие страны, особенно страны, соседствующие с Афганистаном.
--	--

КИРИШ

Кундан кунга глобаллашиб ва жадал ўзгариб бораётган оламда фақатгина қўшни мамлакатга (Афғонистонга) бошқа мамлакатларнинг муайян муносабатлари ва таъсирини ўрганиш масалаларини ўта долзарблаштирмоқда. Ҳозирги вақтларда Россия Федерацияси ва Украина ўртасидаги муносабатларнинг кескин, охир оқибатда кенг қўламли урушга айланганлиги ҳамда бу жаҳондаги каттаю кичик мамлакатларга таъсир кўрсатаётгани ушбу фикрга ёрқин далолатдир.

Ушбу мақола олдида қўйилган мақсад - Афғонистон омилининг АҚШ ва Покистон муносабатларига таъсирини замонавий маълумотлар асосида илмий хулосалар ишлаб чиқиш ва таклифлар шакллантиришдан иборат. илмий ўрганишнинг объективлик, тизимлилик, қиёсий-тарихий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усулларидан фойдаланилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ қўшни мамлакатлар, жумладан, деярли қирқ йил давомида осойишталик нималигини билмаётган Афғонистон ислом республикаси (бугунги кунда “Афғонистон ислом амирлиги”) билан ҳам яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиб, минтақада тинчликни таъминлаш борасидаги саъй ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Афғонистон муаммоси ҳақида Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида 2021 йилнинг 21 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси доирасидаги умумий мунозараларда видеомурожаат билан сўзга чиқиб, “Бу давлатда тинчлик ва осойишталик

ўрнатилишидан нафақат биз, қўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир. Ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яққалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Афғон масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсири ва овози хар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозим”, [1] - деб таъкидлади.

Муайян мамлакатга қўшни бўлган мамлакатнинг бошқа, қўшни бўлмаган узоқ ва яқинда жойлашган давлатларнинг ўзаро алоқаларида тутган ўрнини тадқиқ қилиш, бугунги кундаги геосиёсий вазият ҳамда халқаро, минтақавий ва давлатлар ўртасида кечаётган жараёнлари МДХ, АҚШ, ЕИ ва Осиёдаги бир қатор нуфузли халқаро тадқиқот марказларининг ўрганиш доирасида қамраб олинмоқда. Эндиликда Марказий Осиёдаги қуролли тўқнашувлар ва давлат тўнтаришларининг рамзига айланиб улгурган Афғонистоннинг ушбу муносабатларда тутган ўрни мазкур марказларнинг доимий эътибор марказида бўлишига олиб келди ҳамда хорижда мамлакат ташқи сиёсатининг барча масалалари чуқур ўрганиш объектига айланиб бормоқда. Чунки, Эндиликда фақат буюк давлатлар эмас, улар ўртасидаги кучлар нисбати ҳам ўзгарди, илгари айнан шу нарсалар халқаро тизимдаги ўзгаришларнинг асосий кўрсаткичи эди, бугунги кунда жаҳон сиёсатининг асосий тамойиллари ўзгарди. [2]

Афғонистоннинг халқаро муносабатлар замонавий тизимидаги ўрни унинг узоқ йиллар давомида ҳомийси ва таъминотчиси бўлиб келган АҚШ ҳамда Афғонистон билан 2670 км умумий чегарага эга бўлган Покистон ўртасидаги муносабатлар билан белгиланади. Мана ярим асрдирки, Афғонистоннинг аҳволи айнан шу давлатларнинг таъсири остида кечмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Афғонистон билан чегарадош бўлган барча мамлакатлар шу жумладан, Ўзбекистон нафақат иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун эмас, балки террорчилик ҳамда айирмачилик ҳаракатларидан, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишидан ўзини ҳимоя қилиш, шунингдек, ушбу мамлакатда ҳамда ҳудудда ўзининг сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш учун у билан ўзаро ҳаракатларни яхши йўлга қўйишга интилмоқда.

Афғонистон омилининг бугунги кунда АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларига келганда эса, ушбу масала 2020 йиллардан бошлаб яна долзарб мавзуга айланиб бормоқда ҳамда дунёдаги кўплаб таҳлилчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда, бунинг сабаби эса, ҳам Покистоннинг Марказий Осиёдаги давлатлар учун тутган стратегик мавқега эгаллиги, ҳам Америка ва Покистон ўртасидаги муносабатларнинг беқарорлигидир. Аммо бу икки давлат ўртасидаги оддий бўлмаган муносабатларга қарамадан уларнинг олий мақомдаги ҳамда вазирликлар даражасидаги муносабатлари ҳеч қачон тўхтаган эмас.

Афғонистоннинг сўнги 25 йиллар ичида жаҳондаги ўрни Америка ва Покистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларини таҳлил қилиш учун “Толибон” ҳаракатининг фаолиятига қисқача назар ташлаш зарур. Чунки юқоридаги икки давлатнинг ўзаро муносабатлари айнан шу ҳаракат фаолияти (сиёсати) билан бевосита боғлиқ дейилса тўғрироқ бўлади. Толибон 1998 йилда мамлакатнинг марказий ва шимолий вилоятлари устидан тўла назорат ўрнатди. 1999 йилнинг бошларига келиб “Толибон” Афғонистон ҳудудининг деярли 80%ни, шу жумладан асосан ўзбеклар ва хазорий миллатига мансуб аҳоли эгаллаган ҳудудлар устидан назорат ўрнатади.

Бири Афғонистонни ўзининг чегарадош қўшниси, бошқаси эса уни ўз миллий манфаатлари ҳудуди деб ҳисоблайдиган Покистон ва АҚШ учун Афғонистон омили АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларда хавфсизлик масалаларига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши аниқ.

Бугунги кунда умуман жаҳонда, хусусан, Марказий Осиё ҳудудида кечаётган жараёнларга эътибор янада кучайиб бораётганлигининг сабаби – икки мамлакат ўртасидаги хавфсизлик масалалари бутун жаҳонга ўз таъсирини ўтказишини кўрсатмоқда.

Мисол тариқасида, 2022 йилнинг 24 февралда тили, дин-эътиқоди, урф-одатлари, иқлим-табиати деярли бир бирига ўхшаш, бир минтақада қарор топган икки давлат – Россия ва Украина ўртасида бошланган урушни (Россия таъбирига кўра - “Махсус ҳарбий амалиёт”) келтириб ўтиш мумкин.

Бундан АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатлардаги хавфсизлик масалаларининг қандай ҳал қилиниши ҳам бутун жаҳонга ўз таъсирини ўтказиши мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Покистоннинг АҚШ ва “толиблар” ўртасидаги воситачилик вазифаси 2015 йилга келиб барбод бўлганлигига қарамасдан бу унинг Афғонистондаги ишларда қатнашишдан бош тортишини англатмайди. Афғон ички мулоқотини механизмини қайта ишга тушириб юбориш мақсадида 2015 йилнинг охирига келиб “Осиё қалби” халқаро анжумани доираларида Туркия кўмагида Тўрт томонлама мувофиқлаштирувчи гуруҳ ТТМГ (АҚШ – Хитой – Покистон - Афғонистон) ташкил этилди. “Осиё қалби – Стамбул жараёни” бу Афғонистон ва Туркиянинг муштарак ташаббуси бўлиб 2011 йилда Стамбулда бўлиб ўтган анжуманда режалаштирилган эди. Мазкур ташаббус ҳудуддаги хавфсизликни кучайтириш, Афғонистон билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни мулоқот ва ишончни мустаҳкамлаш тадбирлари воситасида йўлга қўйишга мўлжалланган эди. Ушбу қўшма ташаббус доираларида ҳудуддаги мулоқот террорчилик, гиёҳванд моддаларнинг айланиши, қашшоқлик ва экстремизм сингари умумий таҳдидларга қарши ҳамкорликдан бошланди.

[3]

“Осиё қалби” ўз ичида 15 мамлакатни бирлаштирган бўлиб, булар Афғонистон, Озарбайжон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Бирлашган араб амирликларидир. Барқарор Афғонистон ушбу барча мамлакатларнинг манфаатларига хизмат қилади. бу ҳақда Афғонистон президенти Ашраф Ғани “Осиё қалби – Стамбул жараёни” бўйича 2021 йилнинг 30 мартда Душанбада бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирларининг 9-анжуманида сўзга чиқиб мазкур масала бўйича ҳудудий келишув Афғонистонда 42 йил давом этиб келаётган урушга хотима ясаши мумкинлиги” борасида умид билдирган. [4]

2017 йилнинг январидида АҚШдаги президентлар алмашуви Афғонистон ва Покистонга янги ташвишлар олиб келди. Республикачи президент бўлган Д.Трамп Б.Обама юритган сиёсатни гарчи тўла рад этмасида Исломободни толибон ҳаракати ва Ҳаққоний гуруҳига қарши қатъий ҳаракат қилмаганда айблаб Покистонни террорчи давлат сифатида таърифлай бошлади. У Афғонистондаги террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳарбий ҳаракатлар давридаги (2001 – 2021 йиллар) учинчи бош қўмондон сифатида тақабурларча тўла қуролли ғалабага эришганлигини баён қилди.

Гарчи 18 йиллик уруш давомида толибларнинг америкаликларга ишончи ортмаган бўлсада толиблар сулҳ тузиш учун юзага келиб қолган имкониятин қўлдан чиқармасликка қарор қилади ва мулла А.Бародар ва З.Ҳалилзод бевосита суҳбат ўтказишга розилик беради. Иккала томон ҳам бу мулоқотдан ўзларининг ўша даврда қарама қарши бўлган мақсадларига эришишнинг ягона воситаси деб билган.

АҚШнинг мақсадлари:

- Афғонистонда ўзининг икки-уч ҳарбий базаларини қолдириш;
- Бу мамлакат ҳудудидан ушбу минтақада жойлашган Эрон, Хитой ва Россиядаги вазиятни издан чиқариш учун фойдаланиш;
- Марказий Осиёдаги давлатларда Америка мақсадларини илгари суриш бўлса,

Толибларнинг мақсадлари:

Барча хорижий қўшинларни чиқариб ташлаш ва қонуний асосда давлат тепасига келишдан иборат эди.

2022 йилнинг 21 июл куни Қирғизистоннинг Иссиққўл шаҳрида бўлиб ўтган Президент Ш.Мирзиёв Афғонистондаги муаммоларга алоҳида урғу берган ҳолда бундай деди:

“Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши керак.

Биз ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшнилари сифатида бу заминдаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзимиз манфаатдор бўлишимиз лозим. Мазкур муаммо халқаро ҳамжамият томонидан қандай қабул қилиниши ҳам кўп жиҳатдан айнан бизга боғлиқ.

Шунингдек, ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақамиздаги иқтисодий жараёнларга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш тарафдоримиз”. [5]

Албатта, деярли 40 йилдан бери уруш кетаётган мамлакат инфратузилмасини тиклаш ёлғиз Ўзбекистон учун қийин кечади. Бунинг учун нафақат минтақадаги давлатлар, балки АҚШ, ҳамда диний, маънавий яқинлиги Афғонистонга жуда ўхшаш бўлган Покистон билан кенг қўламли ҳамкорликни йўлга қўйишга тўғри келади.

АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларида Афғонистондаги вазиятни изига тушириш масалаларида кўп томонлама ҳамкорликка жиддий эътибор қаратилмоқда. Вашингтон Ўзбекистоннинг Афғонистондаги можароларни ҳал этиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини эътироф этади. Кобул ва мамлакатдаги асосий сиёсий кучларни шу жумладан “Толибон” ҳаракатини келиштириш учун Тошкент тутаётган йўл кўпчиликка маъқул келмоқда. Бундан ташқари 2020 йилнинг 27 майида Ўзбекистон – АҚШ – Афғонистон ўртасида дастлабки уч томонлама йиғилиш видео анжуман тарзида ўтказилди.[6]

2021 йилнинг 31 августида АҚШ ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишни деярли яқунлади. Аммо шу йилнинг 15 августида Афғонистон тўлалигича (*Аҳмад Маъсуд назорати остидаги Панжшер вилоятини ҳисобга олмаганда – М.Қ.*) толиблар қўлига ўтиб улгурган эди. Илгари Афғонистон демократик республикаси, Афғонистон ислом республикаси деб аталган мамлакат эндиликда Афғонистон ислом амирлиги номини олди. Аммо ҳанузгача бу давлатни бирон мамлакат расман тан олмаганлиги мазкур маконда воқеалар қандай кечишини ҳеч ким айта олмаслиги борасидаги фикрни юзага чиқармоқда. Бундай дейишимизнинг боиси 2022 йилнинг 15 августида толиблар ўз давлати мустақиллигининг бир йиллигини нишонлади, лекин шу муносабат билан бирон бир давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам “толиблар”ни қутламади.

Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш тугатилганидан сўнг, АҚШ президенти ушбу мамлакатда мўлжалланган мақсадга эришилганлигини – яъни “Ал-Қоида” тўла маҳв этилганлигини баён қилади. Агар “Ал-қоида” толиблар билан ҳанузгача муносабатда эканлиги назарда тутилган бўлса бу фикрга унча ишониб бўлмайди. Қизиғи шундаки, Байден ОАВ вакиллариининг “Сиз толибларга ишонасизми?” қабилидаги саволларига йўқ деб жавоб беради. Шунингдек у Афғонистонни толиблар эгаллашига ишонмаслигини

чунки 75000 нафар толибларга қарши АҚШ ёрдамида яхши тайёргарликдан ўтган 300000 нафардан иборат ҳукумат қўшинлари борлиги баён қилади. лекин воқеаларнинг кейинги ривожини унинг ваъдалари (афғон фуқаролари учун масъулиятни зиммасига олиш ва ҳ.к.) буткул асоссиз эканлигини кўрсатиб берди.

ХУЛОСА

Шунингдек, Байденнинг Афғонистоннинг келажаги ҳақида “биз Афғонистондаги ўз мақсадларимизга эришдик, мақсадимиз миллат яратиш эмас, бу фақат афғон халқининг ҳуқуқи ва масъулияти ... аммо бутун мамлакатни назорат қилиш учун ягона ҳукумат тузиш эҳтимоли ўта камлиги” дейиши, айти пайтда Афғонистондаги томонлар билан фаолроқ ишлаш зарурлигини ҳамда бунга манфаатдор минтақавий ва халқаро иштирокчиларни ҳам даъват қилиш зарурлигини кўрсатиши ҳамда афғон ҳамкорларига молия ва техникадан ёрдам кўрсатишда давом этишини баён қилиши, [7] бундан ташқари Афғонистондан “қочиб қолиш” баробарида толибларга қиймати 85 млрд долларга тенг бўлган қурол-яроғ ва жанговар техникани қолдириб кетганлиги [8] АҚШ ҳали Афғонистонда узоқни кўзлаган мақсадлари борлигидан далолат беради. Бундай дейишимизга сабаб, The Washington Post газетасининг маълумотларига кўра, америкаликлар чиқиб кетишидан сал олдинроқ МРБ директори Уилям Бернс Кобулда мулла Абдулғани Бародар билан махфий учрашув ўтказганлигидир.[9] Улар нима ҳақида сўз юритганлари ҳозирча маълум эмас.

Афғонистон муаммоси Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб мамлакатимиз раҳбарияти учун энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган ва шундайлигича қолмоқда. Воқеалар ривожини эса вақт кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясидаги нутқи.
<https://president.uz/uz/lists/view/4633>
2. Барановский В. Г. Основные параметры современной системы международных отношений (Часть I). – Полис. Политические исследования. 2012, С. 36-44
3. Юсупов, Абдулрахман (2021). Конференция «Сердце Азии – Стамбульский процесс» пройдет в Душанбе. Доступно по адресу: www.aa.com.tr/ru/мир/в-душанбе-пройдет-конференция-сердце-азии-стамбульский-процесс-/2190849. Дата обращения: 12.04.2021.
4. Амуева, Юльвийя (2021). Гани: Стабильный Афганистан принесет огромные выгоды всему региону. Доступно по адресу: www.aa.com.tr/ru/мир/гани-стабильный-афганистан-принесет-огромную-пользу-всему-региону-/2192442. Дата обращения: 12.04.2021.

5. <https://kun.uz/news/2022/07/21/ozaro-savdo-oziq-ovqat-xavfsizligi-ekologiya-va-afgoniston-shavkat-mirziyoyev-cholponota-uchrashuvida-nimalar-haqida-gapirdi>
6. Узбекистан, США и Афганистан активизируют борьбу с COVID-19, терроризмом и наркотрафиком Gazeta.uz 06.02.20 available www <https://www.gazeta.uz/ru/2020/08/13/safety/>
7. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/07/09/afghanistan/>
8. *Владимир Малышев*, По обе стороны Пянджа, или Новая игра США. <https://vpoanalytics.com/2021/09/07/po-obe-storony-pyandzha-ili-novaya-igra-ssha/>
9. *The Washington Post* CIA Director William Burns held secret meeting in Kabul with Taliban leader Abdul Ghani Baradar